

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ,
МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

7-ЙИЛ ЧИКИШИ
№ 90 (1610)
5
МАЙ
ПАЙШАНБА
1960 ЙИЛ
БАҲОСИ
20 ТИЙИН.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

Шу йил 4 майда Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми бўлди. Пленум СССР Олий Совети сессияси масалаларини ва ташкилий масалаларни қараб чиқди. Пленум А. Н. Косигин, Н. В. Подгорний ва Д. С. Полянский ўртоқларни КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзолари қилиб сайлади.

Пленум КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси ўртоқ А. Б. Аристов ҳамда КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат ўртоқ П. Н. Поспеловларнинг диққат-этиборини КПСС Марказий Комитетининг РСФСР бюроси ишига жалб этишни назарда тутиб, уларни КПСС Марказий Комитетининг секретарлари вазифасидан озод қилди.

Пленум КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси ўртоқ Н. Г. Игнатов ССР Иттифоқи Министрлар Совети Раисининг ўринбосари қилиб тайинланганлиги муносабати билан уни КПСС Марказий Комитетининг секретари вазифасидан озод қилди.

Пленум КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси ўртоқ Е. А. Фурцева СССР Маданият министри қилиб тайинланганлиги муносабати билан уни КПСС Марказий Комитетининг секретари вазифасидан озод қилди.

Пленум КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси ўртоқ Ф. Р. Козловни КПСС Марказий Комитетининг секретари қилиб сайлади.

Пленум ўртоқ Н. И. Беляевни КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси вазифасидан озод қилди.

Пленум ўртоқ А. И. Кириченкони КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси ва КПСС Марказий Комитетининг секретари вазифасидан озод қилди.

Халқ матбуоти

Бугун қаҳрамон совет халқи, халқ демократияси мамлакатларининг меҳнаткашлари, бугун прогрессив инсоният дунёда энг демократик, чинакам халқ матбуоти бўлган совет матбуоти кунини тўпоналайди. Миллион-миллион меҳнаткашлар оммасини ленинчи Коммунистик партиянинг теваригига жипс-лаштираётган, шонли етти йилликнинг улғувор вазифаларини бажаришга сафарбар этаётган, ҳар юзидати офкор оммага болшвиктик ҳақиқатни етказиб келган «Правда» газетаси бу матбуотнинг байроқдоридир.

Буюк йўлбошимиз ва устозимиз Владимир Ильич Лениннинг дохиллик нури билан порлаган ва бу нур ичида вужудга келган «Правда» газетасининг биринчи сон чиқа бошлаган кун шарафига 5 май ишчилар матбуотининг байрам кунини деб эълон қилинган эди. В. И. Ленин «Правда»нинг генерал ассоси ва редактори, муҳир журналист ва ошанин публицист эди. Унинг журналистик маҳорати ва публицистик ҳарорати рус пролетарларига сиёсий онг беришда, уларни ишчилар синфининг асли ҳаётий манфаатлари учун курашга уюштиришда мислсиз катта роль ўйнади.

В. И. Лениннинг кўрсатмаси билан чиқа бошлаган «Правда» биринчи кунлардаюқ ишчилар билан алоқани мустахкамлади. Унинг ошанин, ўт-нур ва ҳақиқий сўзлари билан омманинг эъри ишони ва ҳурматига сазовор бўлди. Болшвикизм байрогини юқори кўтарди, чуқур партиявийлик принципини илгари сурди, чор ҳукуматининг пензура говларига ва полиция таъйибларига бардош бериб, ишчилар сиёсий оозидининг барча ва ҳар кандай душманларига қарши курашда ўси ва чиникди. Мана 1912 йилдан буюн ярим асрга яқин вақт ўтдики, 5 май ҳар йили традицион байрам — ишчилар матбуоти кунини сифатида кенг нишонланади.

Бу давр ичида мамлакатимизда меҳнаткашларнинг ҳаётини ҳақиқий суратда ёритадиган, уларнинг фикр ва озуларини ифодалайдиган чинакам халқ матбуоти яратилди. Бу матбуот мислиси ўсиб, қудратли кучга, миллионларнинг жанговар минбарига, партияоманнинг эъри ўтди ва онг кучини говийн қўлга айланди. Коммунистик партия бу курул ердани билан ўз тилида, ўзига зарур бўлган тилда омма билан ҳар кунин, ҳар соат гаплашиб турбди. Партияни омма билан болговчи, партия ва ҳукуматимизнинг йўл-йўриқларини халққа ўз вақтида етказиб турувчи, кенг меҳнаткашлар оммасини жанговар вазифаларини шараф билан бажаришга сафарбар этувчи, ишчиларни коммунистик руҳда, социалистик онглилик руҳида, она-Ватанга, партия ва ҳукуматимизга чексиз садоқат руҳида, халқлар дўстлиги руҳида тарбияловчи энг кучли восита ҳам ана шу матбуотдир.

Никита Сергеевич Хрушчев 1959 йил 14 ноябрда, Бутуниттифон журналистлар съездин делегатларини Кремлда қабул қилиш маросимида сўзлаган нутқида бундай деган эди:

«Азиз журналист ўртоқлар! Биз ёзувчиларин партиянинг ёрдамчилари, деб атаймиз. Агар мен сиз, журналистларни партияимизнинг содиқ ёрдамчилари эмас, балки айнан дастёрлари — партиянинг улғи учун актив жангчилар, деб айтсам, ёзувчилар меҳнат халфа бўлмасинлар. Дастёрлар, деб

айтишнинг сабаби нима? Бунинг сабаби шуки, сизлар ҳаммаш партиянинг ёрдамчилари.

Бирор қарорини тушунтириш ва амалга ошириш керак бўлган ҳамома, биз сизлар ҳам энг содиқ ва таъқон воситаси сифатида партия қарорини олиб, уни халқимизнинг кенг оммасига етказиб берамиз».

КПСС Марказий Комитетининг биринчи секретари, Совет ҳукумати бошлиғи томонидан матбуотимиз ишига, совет журналистлари ишига берилган бу юксак баҳо партия ва ҳукуматимизнинг совет матбуоти ҳақида қилаётган энг катта ҳам ҳўрлигининг энг ёрқин ифодасидир. Бу ҳамхўрликка жавобан халқимиз манфаатлари учун, коммунизм учун садоқат билан фидооворона хизмат қилиш — матбуотимизнинг шарафли бурчидир, партиянинг дастёри бўлиш — ҳар бир журналист учун буюк бахтидир!

Матбуот ҳеч қачон ҳозиргидек халққа яқин турмаган ва бунчалик эъри ишон ва самимий ҳўрматга сазовор бўлмаган эди. Мамлакатимиздаги барча миллат халқлари ўз тилларида газета, журнал ва китоблар ўқиш имконининг ага бўлганлиги, матбуотимизнинг йил сайини ўсиб, партияга, халққа яқинроқ хизмат қилаётганлиги, газета ва журналлар тиражларининг йилдан-йилга қўпаяётганлиги ана шундан далолат беради. Капиталистик мамлакатларда эса, матбуот эхлулатация, қаллоблик, боқинчилик курули, халқни алдаш, унинг онгини коммунизм, СССР ва халқ демократияси мамлакатлари ҳақидаги елгон-ёшиқ гаплар билан заҳарлаш воситаси бўлиб хизмат қилмоқда.

Совет матбуоти системасида район ва шаҳар газеталари катта ўрин тутди. Биргина бизнинг Тошкент областида 2 та област газетасидан ташқари 29 район ва шаҳар газеталари, 39 кўптиражга газета нашр этилмоқда. Ўзбек, қозоқ ва рус тилларида чиқаётган бу газеталарнинг умумий тиражи 100 миңдан ортиқдир. Об-

ласт, шаҳар, район ва кўп тиражга газеталарнинг энг муҳим вазифаси — кенг меҳнаткашлар оммасини коммунизмнинг актив ва онгли курувчилари қилиб тарбиялашдан, уларнинг бутун куч ва ижодий гайратини етти йиллик план тошчирикларини муқаддими илгари муваффақиятли бажаришга сафарбар этишдан иборат.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг йилида бўлиб ўтган Пленуми «КПСС Марказий Комитетининг «Хўрлиги замон шариғида партия пропагандаласининг вазифалари тўғрисида»ги қарорини амалга оширишда республика партия ташкилотлари олиб бораётган ишлар ҳақида»ги масалани муҳокама қилди ва тегишли қарор қабул қилди. КПСС Марказий Комитетининг бу қарорини амалга оширишда газеталарнинг роли нўхоятда каттадир. Газеталарнинг саҳифаларида идеология масалалари қанчалар кенг ва тўла ёритилса, матбуот марксизм-ленинизмни пропаганда қилиш билан қанчаларни кўпроқ шўғулланса, пропаганда ишининг тарбиявий ролининг бу таъсирчанлигини ошириш учун системали кураш олиб бора коммунизм томон қилаётган ҳаракатимиз шўрчаллик тезлашди, меҳнаткашлар коммунистик руҳда тарбиялашда янгидан-янги муваффақиятларга эришди.

Ҳеч шўбха йўқки, совет матбуоти бундан буюн ҳам ижодкор халқимизни Коммунистик партиянинг шонли ва ғойиб байроғи теваригига маҳкам жипслаштириб, КПСС XXI съезди қарорларини амалга ошириш учун курашга сафарбар этади, коммунизмнинг тўла тантанаси учун олиб бораётган қаҳрамонона курашда совет халқига битмас-тўтанмас илҳом беради.

Октябрь райони—мусобақа ғолиби

Республикаимиз пойтахти — Тошкент шаҳридаги районлар меҳнаткашлари ўртасида етти йиллик тошчирикларини муқаддими илгари бажариш учун бошланган мусобақа тобора кенг қулоқ ёймоқда. Бунда Октябрь райони саноат корхоналарининг коллективлари айниқса эъри гайрат кўрсатмоқдалар. Район меҳнаткашлари етти йилликнинг иккинчи йили тўрт ойлик тошчирикни муқаддими илгари — 26 апрелдаёқ бажардилар. Ой охиригача пилдан ташқари 30 миллион сўмдан зиёроқ саноат маҳсулотини ишлаб чиқарилди.

Оғир ва кўп меҳнат талаб қилаётган процессларни меҳанизациялаш, ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш, илғорлар тажрибасини омалаштириш туфайли меҳ-

нат унмдорлигини ошириш бўйича берилган тошчирик 103,4 процент қилиб бажарилди. Маҳсулот таннархи 1 миллион 560 миң сўм камайтирилди.

Социалистик мусобақада ана шундай юқори кўрсаткичларга эришганликлари учун Октябрь районида Тошкент области партия комитети ва област ижроия комитети ҳамда Обласо-профинче кўйма Қизил байроғи берилди. Тошкент шаҳар партия комитети ва шаҳар ижроия комитетининг кўйма Қизил байроғини ҳам шу районга беришга қарор қилинди.

Октябрь райони саноат корхоналарининг коллективлари КПСС XXI съезди қарорларини бажариш учун курашда кўлга киритилган ютуқларни янада мустаҳкамлаш мақсадида ижодий ташаббусни кенг авж олдириб, меҳнат қилмоқдалар.

ВАТАНПАРВАРЛАРНИНГ ИСТАГИ

Совет Армиясининг бир гуруҳа жангчилари КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари ўртоқ Н. С. Хрушчевга хат билан мурожаат қилдилар. Хатда бундай дейилди:

Азиз Никита Сергеевич!

Совет Армияси сафарларида хизматда бўлган жангчилар, коммунистлар ва комсомоллар Сизга катта илтимос билан мурожаат қилдилар. Бизнинг ёшларимиз Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг қарорларига жавобан етти йилликнинг энг масъулиятли қурилишларига, қўриқ ерларга бормоқдалар. Биз, жангчилар жономон партияимизнинг қарорларини бутун қалбимиз билан маъқуллаймиз ва бунини иш билан тасдиқлашни истаймиз.

Биз комсомолларнинг трактор бригадасини ташкил қилдик, ўз бригадиримиз, ёрдамчимиз, тракторчиларимиз, комбайнчиларимиз, шоферларимиз, бошқа мутахассисларимизга эгамиз ва демобилизациядан кейин қўриқ ерлардаги районлардан бирига коллектив бўлиб бориб ишлагани истаймиз. Никита Сергеевич, Сиздан бизнинг бригадасимизни энг қийин участкага йорборини сўраймиз. Сизнинг ишончилигиниз, партия ва ҳукумат ишончини бизлар шараф билан оқлаймиз.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев жангчиларга қуйдаги жавобни юборди.

Азиз ўртоқлар!

Сизларнинг ватанпарварлик истагинингизни бутун қалбимдан қўлаб-қувватлашни истаймиз. Ҳозир СССР Қурулди Кучларининг яна анча миқдорда қисқартирилиши муносабати билан юз миңларча жангчиларимиз армиядан тилич ижодий меҳнатга қайтмоқдалар. Ҳамма жойимизда — Қозогистонда ҳам, Сибирда ҳам, Олтойда ҳам билгидега кучи ва юрагида ўти бор кишилар керак. Сизлар демобилизациядан кейин ушшоққили билан, дўстона коллектив бўлиб қўриқ ерларга бориб ишлашга қарор қилган экансиз, бу жуда яхши. Мен ишонаманки, сизлар янги жойда солдатлик маҳоратини намойиш қиласизлар, меҳнат намуналарини кўрсатасизлар, яхши ўрнашиб оласизлар. У ерда сизлар ўзларингизнинг катта шахсий бахтингизни ҳам топасизлар, деб ўйлайман.

Сизларнинг ташаббусингиз армиядан демобилизация бўладиган бошқа жангчилар учун яхши намуна бўлиб хизмат қилса керак. Сизларга муваффақиятлар тилаймиз.

Н. ХРУШЧЕВ.

1960 йил 30 апрель.

АВИАЦИЯ БОШ МАРШАЛИ
К. А. ВЕРШИННИНННГ АҚШГА САФАРИ

Америка Қўшма Штатлари ҳарбий ҳаво кучлари баш штабининг бошлиғи генерал Уайт Совет Армияси ҳарбий ҳаво кучлари баш қўмондонини авиация баш маршали К. А. Вершинини курулди кучлар ҳафталигини байрам қилиш вақтида Америка Қўшма Штатларига келишга тақлиф қилди. Бу — генерал Н. Туайнингнинг 1956 йилда Совет Иттифоқига қилган вазирга жавоб визити тарқасида қилинган тақлифдир.

Бу тақлиф қабул қилинди. Авиация баш маршали К. А. Вершинини олт генерали ва уч ошбери билан шу йил 14 майда Вашингтонга келди.

Делегация шу йил 15 майда Эндрикс авиабазасида бўладиган авиация техникаси кўриғида ҳозир бўлади, сўнгра эса мамлакат бўйлаб сафар қилади.

ҚОРА МЕТАЛНИ ТЕЖАЙЛИК!

Газеталарда КПСС Марказий Комитетининг халқ ҳўлағида қора металлари тежаб-тергаб сарфлаш ҳақидаги хатти эълон қилинди.

КПСС Марказий Комитетининг бу хатти завод ва фабрикаларда, қурилиш ва лойиҳалаш ташкилотларида кенг муҳокама қилинаптир. Қора металлари тежаб-тергаб сарфлаш учун бошланган юришга қўйилган корхона ва муассасаларнинг коллективлари ижони борича кўпроқ қора металлари тежаб қилиш мажбуриятини олмоқдалар. Тошкентдаги илғор корхоналар коллективларининг мажбуриятлари қуйдагилардан иборат:

ОКТАБРЬ РЕВОЛЮЦИЯСИ
НОМЛИ ЗАВОД БУЙИЧА


Шу йил охиригача 900 тонна қора металл тежаб қилиш. Бунинг учун қатор ташкилий-техникавий тадбирларни амалга ошириш, металлари тежаб бичиш, ишга яроқли қуйилма олишни ошириш. Пўлат қувирилари

ишга яроқли қуйилма олишни 5 процент кўпайтирилади. Бу, юзлаб тонна пўлатни тежаб қилиш имконини беради. Чўян қуйиш цехининг коллективи 300 тонна чўян, темирчилар 80 тоннадан кўпроқ пўлат-прокат иқтисод қилади.

Қўшимча равишда ана 100 тонна металл олғилади. Завод коллективини етти йилликнинг охиригача 6300 тоннадан кўпроқ қора металлари тежаб қилишни мўлжалламоқда.

«ТАШКЕНТИЛЬМАШ» ЗАВОДИ БУЙИЧА

1960 йилда 300 тоннага яқин металл тежаб қилиш. Кам металл сарфланадиган кичик табаридли пилталаш машиналари ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, пластмасса ва ёғоч пластикадан деталлар тайёрлашни янада кенг йўлга қўйиш,



В. И. Ленин Кремлдаги иш кабинетидида (1918 йил). ТАСС фотохроникаси.

Чехословакия партия-ҳукумат делегациясининг Москвада бўлиши

«1960 йилги Чехословакия» виставкасини очиб маросимида қатнашш учун Москвага келган Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ва Чехословакия Республикаси президенти Антонин Новотный бошчилигидаги Чехословакия партия-ҳукумат делегацияси 3 майда Кремлда КПСС Марказий Комитети Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев ва СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошилов ҳузурда бўлди.

Визитлар вақтида суҳбат бўлди. Бу суҳбатлар самимий, дўстона вазида ўтди.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитети биринчи секретари ва Чехословакия Республикасининг президенти Антонин Новотный бошчилигида кундан-кундан зиёфат бердилар.

Чехословакия партия-ҳукумат делегациясига бошчилик қилган А. Новотный билан бирга зиёфатда делегациянинг бошқа аъзолари ҳам ҳозир бўлдилар.

Зиёфатда совет томонидан А. Б. Аристов, Л. И. Брежнев, К. Е. Ворошилов, Н. Г. Игнатов, А. И. Кириченко, Ф. Р. Козлов, О. В. Куусинен, А. И. Микоян, Н. А. Муҳитдинов, М. А. Сулов, Е. А. Фурцева, Н. С. Хрушчев, Н. М. Шверник, П. Н. Поспелов, Д. С. Коротченко, А. П. Кирилленко, А. Н. Косигин, В. П. Мжавнадзе, Н. В. Подгорний, Д. С. Полянский ўртоқлар ва бошқа кишилар ҳозир бўлдилар. (ТАСС).

Москвада Чехословакия виставкаси очилди

Москвадаги Сокольники маданият ва истироҳат паркида 3 майда «1960 йилги Чехословакия» виставкасининг очилиш маросими бўлди. Виставка Чехословакиянинг Совет Армияси томонидан фашист боқинчилардан озод қилинганлигининг 15 йиллигига бағишланиб, қардош халқнинг социализм қурилишидаги жуда катта муваффақиятларини акс эттирди.

Виставканинг очилиши муносабати билан ўтказилган тантаналарда Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ва Чехословакия Республикасининг президенти Антонин Новотный нутқ сўзладилар.

Сўнгра виставканинг тантанали очилиш маросимига тўпланганлар павильонларга кириб, бу ерга қўйилган экспонатларни эъри қизқич билан кўздан кечирдилар. (ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН ТУХУМ СОТИШ ЙИЛЛИК ПЛАНИНИ БАЖАРДИ

Республика кишлоқ ҳўжалик меҳнаткашлари давлатта тухум сотиш йиллик планини муқаддими илгари бажардилар.

Давлатга ўтган йилнинг шу давридаги нисбатан 26,7 миллион дона ёки 1,7 баравар кўп тухум сотилди.

Тошкент, Фарғона, Сурхандарё, Хоразм областлари ва Қорақалпоғистон АССР тухум сотиш планини бажардилар.

Тошкент ва Хоразм областларида, шунингдек Қорақалпоғистон АССР да давлатга тухум сотиш 1959 йилидаги қараганда айниқса кўпайди.

Тухум хазир қилиш давом этмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ МАРКАЗИЙ СТАТИСТИКА
БОШҚАРМАСИ.

«ЎЗБЕКИСТОН» ЗАВОДИ БУЙИЧА

Шу йил давомида камида 100, етти йилликнинг охиригача эса камида 600 тонна чўян иқтисод қилиш, ишга яроқли қуйилмалар миқдорини бир процент ошириш.

Ҳар бир селлага сарфланадиган металлари 30 килограмм камайтириш мўлжалланди. Бу, етти йилликнинг охиригача 2 миң тоннадан кўпроқ прокат тежаб қилиш имконини беради.

Тошкентдаги илғор корхоналар коллективларининг мажбуриятлари ана шундай. Индиликда ҳар бир завод, фабрика, қурилиш коллективлари ўз корхоналари бўйича тадбирлар ишлаб чиқишларига, ҳар бир ишчи, инженер, хизматчининг қора металлари тежаб-тергаб сарфлаш учун бошланган юришга қўйилгани вази умуан 10 процентга енгил-

